

Қудратова Нилуфар Шухрат қизи,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси тадқиқотчиси

“ИЗХОРУЛ-ХАҚ” ЖУРНАЛИНИНГ БАҲОИЙЛАР ҲАРАКАТИГА МУНОСАБАТИ

ОТНОШЕНИЕ ЖУРНАЛА “ИЗХАР АЛ-ХАҚ” К ДВИЖЕНИЮ БАХАИ

THE ATTITUDE OF “IZKHARUL- HAQ” JOURNAL TO THE BAHAI MOVEMENT

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар кескинлашган бир вақтда турли олқимларнинг, хусусан, баҳойлик ҳояларининг аҳоли орасида тарқатишига бўлган уринишлар ҳақида сўз боради. Бу каби ҳаракатларнинг олдини олишида ўлкадаги маърифатпарварларнинг хизмати катта бўлгани ва бунда “Изҳорул-Ҳақ” илмий-маърифий журналнинг ўрни катта бўлгани ёритилган.

Калит сўзлар: “Изҳорул-Ҳақ”, баҳойлик, Туркистон ўлкаси, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, “Фуқоҳа жамияти”.

Аннотация. В данной статье рассказывается о попытках распространения различных взглядов, особенно идей бахаи, среди населения в период обострения социально-экономических и политических процессов в Туркестане. Подчеркивается, что велика заслуга просветителей этого края в предотвращении подобных действий, и большую роль в этом сыграл научно-просветительский журнал «Изхарул-Хак».

Ключевые слова: «Изхарул-Хак», бахаизм, Туркестанский край, социально-экономические процессы, «общество фукаха».

Annotation. This article describes the attempts to disseminate various views, especially Baha'i ideas, among the population during the period of exacerbation of socio-economic and political processes in Turkestan. It is emphasized that the merit of the educators of this region is great in preventing such actions, and the scientific and educational journal Izkharul-Khak played a big role in this.

Keywords: “Izkharul-Khak”, Bahaism, Turkestan region, socio-economic processes, “fuqaha society”.

КИРИШ

Ўлкага тошбосма усулида китоб босадиган босмаҳоналарнинг кириб келиши янгилик бўлса-да, уларнинг иш фаолияти давр талабига жавоб бермасди. 1913 йили китоб нашри бор йўғи 56 нусхани, шунингдек, ўзбек тилида 33 нусхани ташкил этган. Уларнинг умумий тиражи 100 минг нусхани, ўзбек тилидагиси 8 минг нусха бўлган. Туркистон шароитида маҳаллий миллат вакиллариининг умумий аҳоли сони 98 фоизни ташкил этишини ҳисобга олинса, бу мавжуд эҳтиёжни тўла қамраб олмаган. Маҳаллий аҳолининг маърифатга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши, подшо ҳукуматининг мафкуравий сиёсатига тўғри келмас эди. Шунингдек, мустамлакачилар ислом динини мусулмонларни бирлаштирувчи куч ва мустамлака ҳокимиятга таҳдид сифатида кўрганлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакат зиёлиларини 1917 йилгача бўлган матбуот саҳифларида берилган материалларида дастлаб ўлкада маърифат, таълимни ривожлантиришни бош масала қилиб қўйганлар. Масалан, “Тараққий” газетасининг илк сонидан босилган ҳар бир мақолада маориф ва мактабларни ислоҳ этиш, ислом дини қоидаларига амал қилиш ҳоялари асосий ўрин тутди.

Зиёлилар ислом динида маънавий юксалишнинг муҳим воситасини кўрдилар. Улар учун исломни янгилаш фан ва илғор технология ютуқларини эгаллашда, илк даврдаги мусулмон дини ақидалари ва замонавий шароитларни ҳисобга олиш билан чамбарчас боғлиқликда кўринди. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда уларнинг ўз матбуот минбарлари бўлиб, ижтимоий-сиёсий муаммоларни мазкур минбарда муҳокамага ташлаганликлари билан эътиборга молик. Шунингдек, мамлакатимиз халқларини миллий ва диний қарашларини эътиборга олсак, асосан ислом динига мансуб бўлган аҳолини кўрамиз. Шунинг учун давр нуқтаи назаридан ҳам матбуотдаги чиқишларда ислом дини ахлоқи, одоби билан боғлиқ масалалар берилган. Масалан, Фитратнинг “Мусулмонлар, ғофил қолманг.”, «Шўройи исломия»нинг хатоси” “Бухоро уламиси”, Ҳожи Муиннинг “Раддия”, “Тибб ва ҳифзус-сихҳатда

риоятсизлигимиз”, “Ёшларимиз ва кизлар тарбияси”, «Ришват» хасталиғи”, “Охирзамон аломатлари”, “Тўй-таъзия исрофлари” Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Фавқулудда такфир”, “Қозоқ қариндошларимизга очик хат” каби мақолалари фикримизнинг далилидир.

Мазкур давр матбуотини ўрганиш орқали XX аср бошларида Туркистон ижтимоий ҳаётида ислом динининг тутган ўрни, инсонларнинг муаммолари, жамиятнинг ривожланганлик даражаси, жамиятда маънавият ва маърифатнинг ўрнига баҳо бериш имконияти юзага келади.

Туркистон матбуоти Бутунроссия мусулмон матбуоти билан қадам-бақадам борди, ўлка аҳолисининг турмуши, бу ердаги диний аҳвол, одамларнинг турли хурофотларга берилиб кетганлиги ва миллий тараққиёт билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқди ва уларнинг ечимини топишга интилди.

Кейинчалик Тошкентда рус тилида “Туркистон чаёни” (1907), “Туркистон қора курти” (1911) каби ҳажвий журналлари, ўзбек тилида эса “Ойина” (1913-1915), “ал-Ислоҳ” (1915), “ал-Изоҳ” (1917), “Изҳор ул-Ҳақ” миллий журналлари ҳамда “Сўл сароблари” (1914) каби альманахлар ҳам пайдо бўлди.

Булардан дастлабки диний маърифий нашрлардан “ал-Ислоҳ” журналидир. “Ал-Ислоҳ”да диний ислохотчилик масалалари: ижтимоий ва адабий эстетик баҳслар ёритилган. Журнал жадидлар дунёқарашига яқин материалларни бериб борди”. “Ал-Ислоҳ” журналининг ғоявий-тематик таҳлили шуни кўрсатадики, унда диний-маърифий, миллатнинг маданий савиясини оширишга қаратилган маданий-маърифий, Туркистон халқининг сиёсий онгини юксалтиришга йўналтирилган, ислохотчилик ғоялари сингдирилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларга оид мақолалар бериб борилган. Журналнинг ҳар бир сониди Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида кўплаб мақолалар нашр этилган.

Айниқса, журналнинг дастлабки сонларида ислом дини ва тарихига оид мақолаларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, “Тарихи ислом”, “Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилишлари”, “Тарихи Хадича”, “Қуръони карим надур?”, “Дин ва дунёнинг бир-бири ила тааллуқи”, “Дунё ва охиратнинг саодати”, “Имон ва

исломнинг маърифати баёнида”, “Дин ва дунё таълифининг боқияси”, “Мазҳабда матонат”, “Мавлуди шариф ҳақида”, “Ибодати исломия”, “Етти шариф хусусидаги ҳадислар”, “Тажвид ва тафсири Қуръон”, “Моҳи Шариф Рамазон ва рўза хусусида бир-икки сўз”, “Шукри неъмат”, “Диний ишларда тафовут”, “Дин ва эътиқодий бир масала”, “Исломнинг ўткандаги ва ҳозирдаги ҳоли”, “Ухуввати исломия”, “Силаи раҳм ё инсоф”, “Илми раббоний”, “Шариат ғарази қурбон ўлмасин” каби мақолаларни келтириб ўтиш мумкин. Ўз даврининг йирик уламолари имом Лутфулла Фахриддинов, Мубашширхон Махзум, Муҳаммад Ализода Тошкандий, Саййид Аҳмад Васлий, Муҳаммад Сафо Махзум, Мулла Олимхон, Иброҳим Тоҳирий, Зафархон Махзум, Муҳаммад Қосимхожи, Ашурали Зоҳирийлар журналда ўз мақолалари билан фаол иштирок этганлар.

1917 йил июнь ойининг ўрталарида “Шўрои уламо” жамиятнинг ғояларини тарғиб этиш учун Абдумалик хожи Абдунабиев муҳаррирлигида “ал-Изоҳ” журналини нашр этди. 1917-1918 йилларда журналнинг 31 та сони нашр этилган. “Ал-Изоҳ” журнали Халқ комиссарлари совети қарори билан ёпилган. “Ал-Изоҳ” журнали “Шўро-и ислом” фаолиятини қоралаб, уларни исломга хиёнатда айблади. Бу воқеаларни Мустафо Чўқай шундай хотирлайди. “Уламо жамияти” ва “Шўро-и исломия” ўртасидаги келишмовчилик бизнинг умумий курашимизни заифлаштирмоқда ва ишларимизни чувалаштирмоқда эди. Иккинчи тарафдан “Уламо жамияти”нинг сиёсий программаси миллий ҳаракатларимизнинг очик душманларига бизга қарши қурол бўлмоқда эди.

“Ал-Изоҳ” журнали ўз даврида жуда кўп “бетамизлик”ларни ёзганлигини келтиради. Шунингдек, журналда сиёсий жараёнлар, “Шўро-и исломия” ва Шўро-и уламо” жамиятларнинг фаолиятига баҳо берилган. Журналда янги замоннинг янги ашулаларини, янги усулларини, янги талабларини чириб битган дин фалсафалари билан ўраб, туманлатиб кўрсатиши айтилади. Шунинг билан бирга “бойга ҳурмат” кераклигини эълон қилишни ҳам эсдан чиқармаганлиги ҳақида маълумот беради. Бу журнал – татар халқининг ношири афкори бўлган “Дин ва майшат” журналининг изидан борганлигини ҳамда тошбосма усулида босилганлигини қайд этади.

“Ал-Изоҳ” журнали ўз даврида жуда кўп “бетамизлик”ларни ёзганлигини келтиради. Шунингдек, журналда сиёсий жараёнлар, “Шўро-и исломия” ва Шўро-и уламо” жамиятларнинг фаолиятига баҳо берилган. Журналда янги замоннинг янги ашулаларини, янги усулларини, янги талабларини чириб битган дин фалсафалари билан ўраб, туманлатиб кўрсатиши айтилади. Шунинг билан бирга “бойга ҳурмат” кераклигини эълон қилишни ҳам эсдан чиқармаганлиги ҳақида маълумот беради. Бу журнал – татар халқининг ношири афкори бўлган “Дин ва маишат” журналининг изидан борганлигини ҳамда тошбосма усулида босилганлигини қайд этади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар кескинлашуви турли ғоявий оқимларнинг ўлкага кириб келишига йўл очиб берди. Айнан шундай таҳликали даврда ҳанафийлик мазҳабини софлигича кейинги авлодга етказиш масаласи долзарб муаммолардан бирига айланди. Шу мақсадда 1918 йили 10 августда Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Фуқаҳо жамияти”нинг [1:3] афкор нашри бўлган “Изҳорул-Ҳақ” мажалласи (журнали) маърифат учун кураш майдонига айланди. Жумладан, журнал саҳифаларида XX асрнинг бошларида Марказий Осиё ҳудудига кириб келган баҳойлик ҳаракатига алоҳида муносабат билдириб ўтилади. Бу билан мамлакат мусулмонларини турли носоғлом ғояларга берилмасликка, ислом дини ақидаларини тўғри сақлашга даъват этганлигини кўриш мумкин.

Бундай ташвишли маълумотларни берилишининг асосий сабабларидан бири XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларидаги Баҳойлик ҳаракатининг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқдир. Баҳойлик оқими Эрон ҳукумати таъқибидан қочган “бобийлик” оқимига мансуб кишилар тарафидан 1858 йили асос солинган. Баҳойлар ўз ғояларини китоб дўконларига бепул китоб тарқатиш, авом (халқ) орасида турли тушунчалар бериш ва уларга бепул бирор нарса бериш орқали тарқатганлар. Бу оқимнинг асосий мақсади ягона дин, тил, қонун ва ҳукуматга эга баҳойлар дунёсини барпо этиш бўлган [2:366]. Ташкилотнинг ақидавий қарашлари қуйидагиларга асосланган:

христианликнинг муқаддас Троица, Исо Масихда Худо табиати мавжудлиги, Библиянинг

бенуқсон экани, гуноҳни ювиш мумкинлиги ҳақидаги ақидалари рад этилади [3];

ислом динининг бешта арконини бажариш фарз экани ҳам инкор қилинади;

шайтонни Худо яратмаган, жаннат – қалб баркамоллиги, дўзах – қалбнинг нуқсонли экани, деб ҳисобланади;

қиёмат бўлиши ва ўлганлар қайта тирилишига эътиқод қилинади, бироқ Исо Масихнинг иккинчи бор келиши рад қилинади.

Баҳойликда ибодат умумий йиғинларда баҳой ва бошқа жаҳон динлари муқаддас китобларини ўрганиш, икки хил намоз ўқиш ва дуо ўқиш, медитация орқали амалга оширилади. Намоз Баҳоулло қамокда сақланган Аққо шаҳри томонга қараб ўқилади. Намоз масаласида баҳойлик ислом динидан фақат таҳоратни олган. Баҳойлик мақсадларини аниқ илғаган Туркистон зиёилари баҳойлик ғояларини тарқатишига каттиқ қаршилик кўрсатганлар.

Бу ҳақида Миён Бузрукнинг “Баҳойлар” мақоласида “Бир содиқ биродарим уйида ўлтуриб эдим, дафъатин шикфо ёнида осмоний ранглик силлиқ қоғозга кўзим тушди [4]” деб бошлайди ва мазкур рисоланинг нашр йили ҳамда унинг техник беағи ҳақида маълумот бериб ўтади:

“Олиб қарасам бир мажалладурки хуш қалам ва хуш қоғоз устига “Ваҳдат” калимаси жалли қалам билан ёзилган, унинг остида “Абдулбаҳой Аббос афандина буюриб” жумласи дарж қилинган. Нўмири “Биринчи қайси шаҳар ва қайси матбаада табаа қилинганлиги номаълумдур”.

Миён Бузрук рисоланинг мундарижасида фақат иккита мақоладан иборат эканлиги ҳамда ёзган одамнинг имзоси мавжуд эмаслиги, бу мақолалар баҳойларга тегишли эканлигини айтиб ўтади. Мазкур мақоладан шунинглаш мумкинки, баҳойлик йўналиши тарафдорлари бозорлар ва одамлар кўп йиғиладиган жойлар, шунингдек, китоб дўконлари орқали ўзларининг ғояларини тарқатиб юрганлар.

Лекин, китоб дўкони эгаси бу китобни “Бозор ичидаги дўконимизга бир нафар “Арманий” либос киймиш бир шахс келиб бирдан икки нусхасини ақчасиз ташлаб кетти. Биз ҳам имтиҳон учун олиб қолдик” деган фикрини келтиради. Бу ерда “имтиҳон учун олиб қолдик” иборасининг ишлатилиши ҳар қандай китобни маблағ топиш учун сотиш

эмас, балки унинг мазмун-моҳиятини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини билдиради.

Миён Бузрук мақолаларни мутола қилганимда маълум бўлдики “Бобий” исми бирла машҳур “Баҳой”лар тарафидин халқни оздирмоқ, дин метингарони тағайюр бермак фикри бирлан тарқатилган экан” бундай ғояларни тарқалишини олдини олиб, унинг кирдикорларини очиб беради ҳамда ўзининг фикрларини *“Ма кана Муҳаммадун аба аҳадин мин рижаликум валакин Расулаллоҳи ва хотаман набийин”*, *ояти каримаси ила пайғамбарлик Расулаллоҳдан сўнг хатим ва тамом бўлғонини билдирса ҳам кўзга илмамишдир”* (Назу биллаҳи мин залика) деб, Куръон оятлари билан далиллайди. Шунингдек, ислом динига ёд бўлган ғояларни тарқатиш ва мусулмонларнинг эътиқодини бузиш мақсадида Тошкентда ҳам “Ваҳдат” номли журнал нашр этилганидан огоҳлантириб, бу ишлар ислом ақидаларига тўғри келмаслигини куйидагича таъкидлайди:

Фақир, осий тасдиқ қилурки ҳар банда Аллоҳ ва уммати Расулаллоҳ с.а.в. бунингдек ботил эътиқодларни эшитган замон ноҳақ ва бузуқлиғига жазм ҳосил қилиб ва аҳлининг маккорона, фирибгорона сўзлариға бовар қилмаслар. Алар бирла мусоҳиб бўлиб юрганларни билсалар дарҳол танбех қилмоқ учун ҳар турли чораларға киришурлар. Аҳли калом фақиҳлар бунингдек муфсидларнинг ҳаракатларидин огоҳ ва хабардор бўлиб нашр этган эътиқод ва қонунларни ақлий ва нақлий далиллар билан рад этиб турурлар[4].”

Миён Бузрук бундай ҳолатларнинг олдини олишга фуқаҳо, уламо ва имомлар масжид ва жамоат жойларида ваъз ва насихатда бўлишлари, “бовазоғун”дин ҳам юқимлироқ бу мараздин халқни огоҳлантиришлари лозимлигини билдиради. “Яна асримизни улуг ва мўътабарлари сироту мустақимда туриб диний вазифаларин адо этиб турсалар андек замонларда аларнинг кизб ва ёлғонлиғи оламға фош бўлиб, ўзлари мудҳим ва саркун бўлиб қолсалар керак” [4].

ХУЛОСА

Мазкур мақолада берилган маълумотларда XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида

сиёсий мақсадларни кўзлаган турли оқимлар ўзларининг таълимотларини халқ орасида ёйишга ҳаракат қилганлар. Бу каби бузғинчилик ҳаракатларининг зарарли оқибатлари ўша давр зиёлилари томонидан англаб етилган ва аҳолини имкон даражасида огоҳлантиришга ҳаракат қилинган.

Бугун нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам диний бағрикенглик, бошқа дин вакиллариға ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниб ҳамжихатликда яшаш, ижтимоий ҳаёт тарзининг асосий тамойилларидан бириға айланиб бормоқда. Шундай экан жаҳон динларидаги хусусан, ислом динидаги қонун қоидалар, диний, ижтимоий, маданий ва маърифий, шунингдек, бу дин билан боғлиқ диний урф-одатларни ўрганиш ҳозирги ислом тарихи, тарихнавислик ва диншунослик фанлари XX асрнинг бошларида Туркистонда жамият ривожига учун ҳаракат қилган Фуқаҳо жамияти ва унинг афкор нашри бўлмиш “Изхорул-Ҳақ” да берилган мақолалар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Кенгаш. – Тошкент, 1917 йил 8 сентябрь. – № 14. – С. 3.
2. Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д.: Феникс, СПб.: Северо-Запад, 2007. – С. 366.
3. Бахаизм // <http://etnolog.ru/religion.php?id=44>
4. Миён Бузрук Миёнзода. Баҳойилар // Изхор ул-ҳақ. 5-жуз. 1918 йил, 21 март.
5. Турсунова Н. Миллий мактаб асосчиси. Мунаввар қори Абдурашидхонов Туркистон тараққийпарварларининг сардори / Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: “Mumtoz so‘z” 2018. – 158 б.
6. Эрназаров Т.Э. История печати Туркестана, 1870-1925 гг. – Т. Ўқитувчи: 1976. – 287 с.
7. Чўлпон. Туркистонда матбуот (Нашрга тайёрловчи Тўлқин Тоғаев) // Жамият ва бошқарув. – 1998. -№ 2. – Б. 40-43.
8. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 293 б.
9. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Андижон, 1995. – 104 б.
10. Тайронов Ё. XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт масалаларининг миллий матбуотда ёритилиши // Ўзбекистон тарихи. – 2008. – № 4. – Б. 47-53.